



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 247 (13.580)

Баҳоси эркин нарҳда



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон ўртасида Туркия томонининг ташаббуси билан 2017 йил 11 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати хабар қилишча, мулоқот аввалида Туркия Президенти давлатимиз раҳбарини мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг янги босқичини амалга ошириш бўйича қўлга киритилган амалий натижалар билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида барқарор ва юксак тараққиётни таъминлашга қаратилган сиёсатни юқори баҳолагани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари жорий йил октябрь ойида Туркия Республикасида бўлиб ўтган давлат ташириш йўналиши бўйича эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Савдо-иқтисодий, технологик, молия-сармоявий, транспорт, туризм ва маданият соҳаларидаги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро самарали алоқаларни давом эттириш зарурлиги кайд этилди.

Президентлар, шунингдек, Истанбул шаҳрида бўлиб ўтадиган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг навбатдан ташқари саммити кун тартибидagi масалалар, жумладан, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг бошқа долзарб масалалари бўйича фикр алмашдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йилнинг 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилга мўлжалланган асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнозлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Давлат бюджети лойиҳасига бағишланган кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди.

Кайд этилдики, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Харажатлар стратегиясини амалга ошириш, иқтисодиётда давлатнинг иштирокини янада қисқартириш, тадбиркорлик фаолияти давлат кафолатлари ва ҳимоясини қўлайлаштириш, инвестицияларни жалб этиш ҳамда иқтисодиётнинг базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар белгиланган макроеқтисодий кўрсаткичларга эришишга қўмаклашди.

Тасдиқланган дастурларни молиялаштириш ҳамда кўзда тутилган барча харажатларни ижро этган ҳолда 2017 йил бюджетни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилиши кутилганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йил 14 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида белгиланган дефицитсиз бюджет тўғрисидаги вазифа мувофиқдир.

Маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш ва даромад базасини мустаҳкамлаш, қўшимча даромад манбаларини аниқлаш, шунингдек, ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча манбаларни жалб этиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар Давлат бюджети параметрларининг ижро этилишига илҳомий таъсир кўрсатди.

Мажлисда ҳудудларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, ечимини қўлатган мавжуд муаммоларни ва жойлардаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган келгуси йил мамлакатнинг асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнозлари, бюджет даромадлари ва харажатлари параметрлари бўйича ёндашув ва тақлифлар ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилинди.

2018 йилда солиқ ва бюджет сиёсатини такомиллаштиришга, бюджет маб-

лағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ва бюджетлараро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг давом эттириш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари харажатларида қабул қилинган давлат дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат ҳудудларига таширишлари асосида берган топшириқларини, шунингдек, валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур маблағлар назарда тутилган.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг даромадлар бўйича ваколатларини ва даромадлар прогнози ошириб бажарилган қисмини мустақил тасарруф этишда мустақиллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида бюджетлараро муносабатларнинг янги механизми жорий этилмоқда.

Мажлисда қайд этилдики, валюта ва нарх-наво сиёсатини эркинлаштириш шароитларида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоя қилишни қўлайлаштириш, шунингдек, ижтимоий инфратузилма, уй-жой коммунал хўжалиги объектларини, шу жумладан йўللар қуриш, сув таъминоти бўйича тасдиқланган дастурларни молиялаштириш ҳамда йиллар давомида ўз ечимини қўлатган муаммоларни бартараф этиш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур йўналишда вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланган мақсадларга эришиш борасида мувофиқлаштирилган ишлар олиб боришда ва буларнинг натижаси бугунги кундаёқ сезилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков 13-14 декабрь кунлари расмий ташириф билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати хабар қилишча, олий даражадаги учрашув ва музокараларда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқалар-

нинг бугунги ҳолати ва янада ривожлантириш истиқболлари, чегараолди ҳамкорлик масалалари, айрим минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Ташириф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёно-

ти, турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзолаши кутилмоқда.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН: ИСТИҚБОЛ УЧУН ЯНГИ МАҚСАДЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков жорий йил 13-14 декабрь кунлари расмий ташириф билан мамлакатимизда бўлади.

Шуни қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қирғизистонда 15 октябрь куни бўлиб ўтган умумхалқ сайловлари якунлари бўйича С.Жээнбековни мазкур мамлакатнинг олий давлат лавозими — Қирғизистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан биринчилардан бўлиб қутлади. Ўзбекистон етакчиси ўз табрикомасида кейинги йил давомида эришилган конструктив сиёсий мулоқот ҳамда томонларнинг мавжуд масалаларни ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида ва умумий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда хал этишга содиқлиги янада рағбат топишига ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, икки мамлакат раҳбарларининг қатъий иродаси ҳамда халқларимизнинг кўп асрлик дўстлик ришта-ларини мустаҳкамлашни давом эттиришга бўлган интилиши туфайли 2017 йил Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро муносабатларда жуда муҳим ҳамда ёдда қоладиган йил бўлди. Хусусан, икки маротаба давлат таширифи амалга оширилди, уларнинг якунлари бўйича давлат чегараси тўғрисидаги шартнома имзоланди, эришилган келишувларнинг ҳаётга ўз вақтида ва тўлақонли татбиқ қилинишини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинди.

Бундан ташқари, 3 ноябрь куни мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок

этиш учун келган Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сапар Исоқовни қабул қилди. 8 ноябрда эса "Европа иттифоқи — Марказий Осиё" форматидаги давлатлар ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашувида ҳамда Самарқандда бўлиб ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзuidaги халқаро конференцияда қатнашиш учун Қирғизистон ташқи ишлар вазири Эрлан Абдильдаев Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон турли жабҳаларда, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада хали ишга солинмаган улкан салоҳиятга эгадир. Икки мамлакат етакчилари Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев сентябрь ҳамда октябрь ойларида Бишкек ва Тошкентда бўлиб ўтган музокаралар чоғида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш вазифасини қўйдилар. Сўнгги йил давомида ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида ўрнатилган янги алоқалар ҳам бунинг учун қўлай имконият яратмоқда. 5-6 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган бизнес форуми ва кўргазма икки мамлакат тадбиркорлари учун йирик минбар бўлди. Мазкур тадбирларда икки мамлакатнинг давлат ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг 500 нафардан зиёд раҳбарлари, фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)



ЎЗБЕК ОЛИМИ ХИТОЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АКАДЕМИГИ УНВОНИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори, академик Шавкат Солиҳов илм-фан соҳасида қўлга киритган катта ютуқлари учун Хитой Фанлар академиясининг хорижий аъзолигига сайланди.

Хитой Фанлар академияси президенти Бай Чунлининг Ўзбекистонлик олимга йўналган мактубида шундай жумлалар бор: "Мен Хитой Фанлар академияси ва ХХР ФА академик идоралар Президиуми президенти сифатида шуни қувонч билан маълум қиламанки, сиз 2017 йил 10 ноябрь куни бўлиб ўтган сайловда илмий ютуқларингиз ва Хитойда илм-фан ва технологиялар ривожига қўшган ҳиссангиз учун ХХР ФА хорижий аъзолигига сайландингиз".

ХХР ФА хорижий аъзолиги юқори халқаро илмий нуфузга эга ва илм-фани ривожлантиришга катта ҳисса қўшган чет эллик олимлар орасида танлаб олинди. Биоорганик кимё ва биотехнология соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган Шавкат Солиҳов Хитой Фанлар академиясига Ўзбекистондан сайланган биринчи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан сайланган иккинчи олимдир. Шу пайтгача ХХР ФАнинг МДХ мамлакатлари орасида ягона хорижий аъзоси россиялик олим, физика бўйича Нобель мукофоти лауреати Жорес Алфёров эди.

Шавкат Солиҳов раҳбарлигида биологик фаол бирикмаларни ажратиш ва уларнинг тузилишини ва амалга оширадиган механизмни ўрганиш асосида ўндан ортиқ оригинал дори воситаси ишлаб чиқарилган. Бу тадқиқотлар натижасида вирус ва яллиғланишга қарши, қон тўхтатувчи таъсирга эга препаратлар бугунги кунда тиббий амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Олимнинг сўй-харақатлари билан мамлакатимизда Хитой Фанлар академиясининг биринчи хорижий марказларидан бўлган дори препарат-

лари тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш Марказий Осиё маркази ташкил этилаётди. Бу ерда яратилган дори воситаларини келгусида Хитой ва бошқа давлатларга экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Ўзбек олимнинг муваффақияти мамлакатимиз илм-фани салоҳияти халқаро даражада юксак баҳо-ланаётганининг ёрқин ифодасидир. Президентимиз томонидан мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш, жумладан, Ўзбекистон Фанлар академиясини олимлари амалга ошираётган тадқиқотлар савиясини юксалтириш, бу жараёнда иқтисодий ёшларнинг фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга қаратаётган эътибори бундай ютуқлар кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат Солиҳов жорий йил январь ойида Хитой Фанлар академияси билан самарали ҳамкорлиги, истеъдодли олимларни тайёрлаш, академиянинг илмий тадқиқотлари ва инновациялари даражасини юксалтиришга қўшган ҳиссаси ҳамда йирик илмий лойиҳаларни ташкил этиш ва амалга оширишдаги хизматлари учун Хитой Фанлар академиясини Халқаро илмий ҳамкорлик мукофоти билан тақдирланган эди.

Бу йил Хитой Фанлар академиясига саккиз мамлакатдан 16 олим сайланган. Улар орасида Нобель мукофоти совриндорлари, Манчестер университети профессори Андрей Гейм (Буюк Британия) ва Шимоли-Гарбий университет профессори Жеймс Фрейзер Стодарт (АҚШ) ҳам бор.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада вилоят меҳнаткашларининг жорий йил қишлоқ хўжалиги мавсуми якунларига бағишланган "Ҳосил байрами" шодиёналари бўлиб ўтди. Фарғона туманидаги "Отчопар" ўйингоҳида халқ сайли сифатида ташкил этилган байрамда деҳқону фермерлар, чорвадор бoғбонлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

● Термизда "Камалак" юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Вилоятда танловнинг қўйи босқичларида 3 минг 900 дан ортиқ ўқувчи мумтоз ва замонавий қўшиқчилик, насл ва назм, мусиқа асбоблари ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, рақс каби йўналишларда билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Уларнинг 245 нафари вилоят босқичида иштирок этди. Якунда саккиз нафар ўқувчига танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

● Қоракалпоғистон Республикаси Аму-дарё тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 254 миллион сўм бўлган замонавий бинода тантаналар зали, архив, "оила дорилфунуни", ота-оналар, никоҳланувчи ёшлар билан учрашувлар ўтказишга мўлжалланган хоналар, ходимлар учун алоҳида ва бошқа маиший-хўжалик хоналари, келин-куёвлар салони бўлиб, барчаси зарур жиҳозлар билан таъминланган.

● Наманган шаҳридаги футболга ихтисослаштирилган 15-давлат мактаб-интернатига янги барпо этилган мини-футбол стадиони фойдаланишга топширилди. "Стадион строй" хусусий корхонаси томонидан қурилган мини-стадион таниқли футболчи, Ўзбекистон миллий терма жамоаси етакчиси Одил Аҳмедовнинг беминнат ҳомийлигида барпо этилди.

ЖАҲОНДА

● Европада қишнинг қаттиқ келиши кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, Буюк Британияда кучли қор ёғиши туфайли учта аэропорт ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатди, поездлар ҳаракати издан қикди, кўплаб мактаблар ёпилди. Франция 150 километрдан ошиб, 32 та департаментда хавфлиликнинг энг юқори даражаси эълон қилинди. Бельгия пойтахти Брюсселдаги халқаро аэропортда ҳам барча рейслар бекор қилинди.

● Норвегия пойтахти Осло шаҳрида ICAN халқаро компанияси томонидан қуролсизланиш бўйича жорий йилги Нобель мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Кеча Нью-Йорк шаҳри ҳудудидаги Манхэттен марказида жойлашган автовокзалда террорчилик ҳаракати содир этилди – кўлбола бомбанинг портлатилиши натижасида тўрт киши, шунингдек, терактни амалга оширган бангладешлик муҳожир яраланди.



24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

МАҲАЛЛА ТИНЧ БЎЛСА – ЮРТ ТИНЧ, КЎНГИЛЛАР ОБОД БЎЛАДИ

Маҳалла азалдан тарбия бешиги, эзгу қадриятлар маскани, демократия дарсхонаси сифатида алоҳида эъозланади. Бу жойда ҳал бўлмайдиган масаланинг ўзи йўқ. Фақат тизим тўғри йўлга қўйилса – бас, саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради. Шу боис сўнги чорак аср давомида маҳалла муқобили йўқ институт сифатида барча жабҳаларда аҳолининг ишончи ва таянчига айланиб борапти.

Буни айни кунларда қизгин паллага кирган сайловолди тарғибот тадбирларида – жорий йил 24 декабрь куни бўлиб ўтадиган Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига маҳаллалардан кўрсатилган номзодларнинг фаоллигидан ҳам билиш мумкин.

Номзодлар маҳаллаларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, ўзларининг сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларга эътиборни қаратишяпти.

Яккасарой туманидаги “Ракатбоши” маҳалла фуқаролар йиғинидан Тошкент шаҳар халқ депутатлари Яккасарой тумани Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Комилжон Ҳусанов “Ракатбоши” маҳалласи ҳудудидagi 73-умумтаълим мактабига сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Эътироф этиш кераки, бугунги сайловчи кечасидан бутунлай фарқ қилади. Бугун сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти юксалган, юртимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга бефарқ эмас. Шу боис сайловчилар билан учрашувда аҳоли, аввало, ҳудудлар инфратузилмасини янада ривожлантириш: кўчаларни асфальтлаш, маҳаллани ободонлаштириш, коммунал тўловлар бўйича асосий қарздорликларни бартараф этиш каби масалаларни ўртага ташлади.

Зотан, номзоднинг сайловолди дастурида ҳам ушбу масалалар ўрин олган. Шу билан бирга, фуқаролар йиғини ҳудудидagi аҳолида, биринчи навбатда, ёшлар оғида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий, диний анъаналар, урф-одатларимизни, бой қадриятларимизни сақлаш ва ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ҳамда ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш ишларини тизимли тарзда амалга ошириш жой олган.

– Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллик байрами юртимиз бўйлаб катта тантана қилинди, – дейди Тошкент шаҳар халқ депутатлари Яккасарой тумани Кенгаши депутатлигига номзод, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини

мувофиқлаштириш бўйича Яккасарой тумани кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари Комилжон Ҳусанов. – Бош Қомусимизнинг 18-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, деб белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб бу конституциявий қоидага биз мансуб бўлган бағрикенг жамиятда шак-шубҳасиз амал қилинаётир. Мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва имкониятлардан эмин-эркин фойдаланиб, тинч-осойишта умр кечиришмоқда. Миллатлараро ахиллик ва ҳамжиҳатлиқнинг янада мустаҳкамлашида эзгу анъана ва қадриятлар бешиги бўлган маҳаллаларнинг ўзига хос ўрни бор. Туманимиздаги 21 та маҳаллада турли миллат вакиллари ахил-иноқ яшамоқда. Маҳаллаларимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари шу жонажон Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат бирлаштириб туради. Яқинда йиғинда Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди. Маҳалладошларнинг чехраларида бир-бирларига бўлган ҳурмат ва эҳтиром нуридан қалбларга илиқлик кирди. Энг муҳими, келажакка бўлган ишонч ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ кўзга ташланди. Бу жиҳатлар сайловолди учрашувларида ҳам ўз аксини топишмоқда.

Номзоднинг сайловолди дастурида носоғлом диний гоялар таъсирига тушиб қолган оилалар ва жиноят содир этганлиги учун жазо муҳлатини ўтаётган, шунингдек, ўтаб қайтган шахслар оилалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда алоҳида ишлар олиб бориш, уларнинг ижтимоий ҳаётида ўз ўринларини топишга кўмаклашиш ҳам ўрин олган.

Бу эса, яқинда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида”ги Президент Фармонида белгиланган устувор вазифалар ихросини таъминлаш, жазони

ижро этиш муассасаларидан уйларига қайтган фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувига кўмаклашишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

– Дунё тамаддунига маънавият пойдеворини қўйган халқмиз. Бой маънавий меросни ёшлар оғида сингдиришни уларни маънан етукликка олиб боруви энг тўғри йўл деб ҳисоблайман, – дейди Тошкент шаҳар халқ депутатлари Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши депутатлигига номзод, тумандаги “Буюк Ипак йўли” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шахло Умарова. – Шунда жиноятчилик, турли оқимларга эргашиб каби салбий оқибатларга ўрин қолмайди. Қолаверса, турли ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги жонли ва таъсирчан бўлиши лозим.

Номзод Шахло Умарова сайловчилар билан учрашувда ўзининг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга тўхталиб ўтди. Хусусан, у ўз дастурида фарзандларимизни мафкуравий таҳдидлардан, гиёҳвандлик, одам савдоси, “оммавий маданият”нинг турли хуржларидан асраш мақсадиди “Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг” анъанасини қайта тиклаш, уларга ҳар тарафлама амалий ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш каби масалаларга эътибор қаратган.

Фуқаролар йиғини зиммасидаги энг долзарб вазифалардан бири, бу – эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол қилиб тарбиялашга кўмаклашишдир. Бугун ана шундай масъулиятли вазифани тўлақонли амалга ошириш нафақат таълим муассасалари, балки ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи бўлмоғини даврнинг ўзи тақозо этаётир.

Дарҳақиқат, соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фуқаролар оғида юртга садоқат, маданий меросимизга ҳурмат туйғуларини шакллантириш номзоднинг қундалик ишига айланган. Шунинг учун ҳам ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш орқали “оммавий маданият”нинг салбий иллатлари таъсиридан ҳимоялашга эътибор қаратапти.

Ёшлар иштирокида ўтказиладиган тадбирларда ўқувчиларнинг кийиниш маданияти, машғулотларни ўзлаштириш, давомати, бўш вақтларини беҳуда ўтказётган ёшларнинг ҳулқ-атвори ота-оналар ва ўқитувчилар иштирокида муҳокама этиб борилаётир.

Айниқса, ёшларни диний экстремизм, диний ақидаларастлик ва миссионерлик каби ёт гоялар

таъсиридан асраш, ана шундай иллатларга қарши ҳамкорлар билан биргаликда курашиш ҳар бир маслаҳатчининг доимий ишига айлансагина худудда гайриконуний ҳолатларга йўл қўйилмайди.

Қайси маҳаллада “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги самарали фаолият кўрсатса, ўша жойда вояга етаетган ўғил-қизлар жамиятимизнинг етук фарзандлари бўлиб камол топади. Шу ўринда меҳр-оқибат, миллий қадриятларимизга ҳурмат каби ўзбекона фазилатларнинг ёшлар оғида шуурида шаклланишида ҳам оиланинг таъсир кучи катта эканини унутмаслик керак.

Тўғри-да, ота-она бир-бирини ҳурмат қилса, ўзаро муомаласи яхши бўлса уларни кузатаётган фарзанд ҳам худди шундай муносабатда бўлади. Аксинча бўлса-чи, унда ўғил ёки қиз оғини ана шу салбий хислатлар секин-аста қамраб олади.

Ҳозирги пайтда дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатган киши борки, хайратдан ёқа ушлайди. Хали у, хали бу давлатда хунрезликлар уюштирилган, ёш болалар ва кексаларни қатл қилаётган, одамларни гаровга олаётган, табарруқ қадам-жоларни ҳаробага айлантираётган жиноий тўдаларнинг қилмишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Қўли қонга ботган, жаҳолат ва разолатдан бошқа нарсани ўйламайдиган бундай ғаламислар бизнинг бепарволигимиздан фойдаланиб фарзандларимизни ҳам тубанликка тортиши мумкин.

Маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуржлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга оғли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга ҳавф тугдириши мумкин бўлган кучларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

Ана шундай долзарб масалалар маҳаллалардан кўрсатилган номзодларнинг эътиборидан четда қолмади.

Азиз ҳамшаҳарлар, ҳурматли сайловчилар!
ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

МАҲАЛЛАЛАРДА “ЎЗ БОЛАНГИ ЎЗИНГ АСРА!” ДЕГАН УМУМДАВЛАТИ БИРГАЛИКДА АМАЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРАМИЗ!

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлис иштирокчилари томонидан 2018 йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳар томонлама қўриб чиқилди, унда солиқ юкнини янада қисқартириш, солиқ ва мажбурий тўловлар миқдорини камайтириш, маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг мустақиллигини ошириш, маблағлардан оқилона фойдаланиш ва бюджетга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш, жумладан:

– фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш соҳаларини бирлаштириш орқали умумий базавий ставкани 15,5 фоиздан 14,5 фоизгача камайтириш;

– Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ажратмаларни ягона тўловга – давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларга бирлаштириш орқали умумий ставкани 3,5 фоиздан 3,2 фоизгача камайтириш, бу, ўз навбатида, ҳўжалик юритувчи субъектлар тасарруфиди қарийб 411 миллиард сўм маблағ қолдириш имконини бериши;

– жисмоний шахслар даромадидан олиннадиган солиқ юки даражасини фуқароларнинг шахсий жамғариб боришларини ҳисобрақамларига ажратмалар миқдорини 1 фоиздан 2 фоизгача ошириш ҳисобига камайтириш ва бу фуқароларнинг жамғармаларини умуман 450 миллиард сўмдан кўпроққа ошириш;

– яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқнинг аҳоли тадбиркорлик фаолиятини оширишга қаратилган ставкасини ўртача 30 фоизга пасайтириш;

– ҳудудлар ҳуқуқиятлари ва фаолият кўрсатиш жойи ҳисобга олинган ҳолда, маҳаллий ҳокимият органларига жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқлар бўйича белгиланган базавий ставкаларга нисбатан 0,7-1,3 гача камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффицентларни қўллаш ҳўқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Мажлис иштирокчиларининг эътибори, шунингдек, солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш, даромад захираларини аниқлаш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини янада ошириш, иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг таъминлаш, инфляция даражасини қўзда тутилган параметрлар доирасида сақлашни ҳамда қабул қилинган давлат дастурларини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти топишқилари сўзсиз молиялаштирилишини назарда тутувчи бюджет сиёсати доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга қаратилди.

2018 йилда ҳам ўтган йиллардаги каби ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари устуворлиги сақлаб қолинади. Хусусан, ижтимоий соҳани молиялаштириш учун 34,7 триллион сўм маблағ йўналтириш назарда тутилмоқда.

2018 йилги Давлат бюджети параметрларида қабул қилинган Давлат дастурларини амалга ошириш учун 8,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш тақлиф этилмоқда, хусусан:

2017-2021 йилларда Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида 14 та мактабгача таълим муассасаси объектини қуриш, 256 та объектнинг реконструкция қилиш, 157 та объектни мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 815 миллиард сўм маблағ (шундан 193 миллиард сўми – халқаро молия институтлари маблағлари) йўналтириш, бу – 2017 йилдагига нисбатан қарийб 3 баравар кўпдир;

48 та олий таълим муассасасининг моддий-техника базасини ривожлантиришга 559,1 миллиард сўм ажра-

тиш қўзда тутилган, бу 2017 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга таширфлари давомида берилган топишқилари ва Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларга асосан 296 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларига – 753,6 миллиард сўм йўналтирилади;

тиббиёт муассасаларини, энг аввало, оилавий поликлиникаларни, шўшилан ва тез тиббий ёрдам муассасаларини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни ошатиришга 915,4 миллиард сўм ёки 2017 йил параметрларида қўзда тутилганга нисбатан 2,5 баравар кўп маблағ сарфланади;

тиббиёт муассасаларини, биринчи навбатда, қишлоқ врачлик пунктларини ва поликлиникаларни зарур скрининг таҳис ва даволаш ускуналари билан қўшимча жиҳозлаш учун – 50 миллиард сўм ажратиш қўзда тутилмоқда.

Таъкидландики, уй-жой – коммунал хизматлар кўрсатиш ишларига харажатлар 228,6 миллиард сўмин ташкил этади, шу жумладан, кўп қаватли турар жойларга туташ ҳудудларни ободонлаштиришга – 47,2 миллиард сўм, кўп қаватли турар жойлар фонднинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштиришга – 22,4 миллиард сўм йўналтирилади.

Янги ташкил этилган “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари орқали 2017-2021 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш Дастури ижроси учун келгуси йилда 163,2 миллиард сўм ажратилади.

“Тоза ичимлик суви” жамғармаси ҳисобидан ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурининг бажарилишига 584,7 миллиард сўм йўналтириш қўзда тутилган.

Шу билан бирга, транспорт-коммуникация лойиҳаларига 469,2 миллиард сўм ва республика ҳудудларида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга 568,6 миллиард сўм йўналтириш назарда тутилмоқда.

Қайд этилдики, Давлат бюджетини биринчи мартаба ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,02 фоиз миқдориди профит билан тасдиқлаш тақлиф этилмоқда.

Мажлисда кун тартибидagi масалалар муҳокама доирасида бир қатор вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик биришмалари раҳбарларининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳисоботлари эшитилди.

Вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик биришмалари, маҳаллий ижро етувчи ҳокимият органлари раҳбарларига, бюджетдан ажратиладиган маблағлардан манзилли фойдаланиш, бюджетга тушумларни ўз вақтида ва тўлиқ тушириш, маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини кўпайтириш юзасидан масъулиятни ошириш ҳамда давлат солиқ хизмати ва молия органлари ҳудудий бўлинмалари олдида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кўпайтириш ва захираларини аниқлаш бўйича аниқ вазифалар юкланди.

Муҳокамалар яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Давлат бюджетди лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — КИРГИЗИСТОН: ИСТИҚБОЛ УЧУН ЯНГИ МАҚСАДЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни таъкидлаш кераки, умумин-тақавий ҳамкорликнинг чуқурлашишидан давлатларимиз бирдек манфаатдордир. Масалан, томонлар Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой транспорт йўналишини яратиш гоясини қўллаб-қувватлади. Икки мамлакат вакиллари жорий йил 30 октябрь — 3 ноябрь кунлари Тошкент — Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қўшғар транспорт йўли бўйлаб илк автокарвонда қатнашди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳамда Қирғизистоннинг чегараолди минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайиб борапти. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2017 йил 5 сентябрда Бишкек шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат таширфи чоғида имзоланган “Минтақаларо ҳамкорлик тўғрисида”ги битимининг 2017 йил 21 ноябрь куни қучга киргани маъзур йўналиш-

даги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Маданий-гуманитар соҳа кейинги пайтда энг фаол ривожланаётган йўналишлардан биридир. Сўнги икки ой давомида икки мамлакат аҳолисида бир-бирининг маданияти, санъати ва тарихига нисбатан катта қизиқиш мавжудлигини намойиш этган қатор тадбирлар ўтказилди. Мисол учун, 6-7 октябрь кунлари Бишкек ҳамда Ўшда мамлакатимиз ижодий жамоалари, санъат усталари иштирокида Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. 2018 йили республикаимизда худди шундай Қирғизистон маданияти кунлари ўтказилди. Ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганнинг 25 йиллигига бағишланди.

Ўзбеклар заминда бўлгани каби Қирғизистонда ҳам халқларимизнинг буюк фарзандлари хотирасига катта ҳурмат бажо келтирилади. Жумладан, 17 ноябрь куни Бишкекда Ўзбекистоннинг атоқли давлат арбоби ва ёзувчиси Шароф Рашидов таваллудининг 100

йиллигига бағишланган “Улуғ сиймо ва замон” кўргазмаси ташкил қилинди. Бундан бир оз илгари, 18 октябрьда Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида қирғиз халқининг атоқли адиби Чингиз Айтматов ҳаёти ҳамда ижоди бағишланган кўргазманинг очилиш маросими ўтказилди.

Қўриниб турганидек, 2017 йил Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида том маънода муҳим аҳамият касб этадиган йил бўлди. Шубҳа йўқки, Президентлар Шавкат Мирзиёев ҳамда Сооранбай Жээнбековнинг бўлажак учрашуви икки қардош мамлакат ва халқларнинг интилишларига ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланиши ва мустаҳкамлашишга янги туртки беради. Режалаштирилган музокаралар давлатларимиз раҳбарларига долзарб масалаларни муҳокама қилиш, самарали алоқаларни янада кенгайтириш йўллариини белгилаб олиш имкониятини яратди.

Г.НУРЖОНОВА,
“Жаҳон” АА

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Жаҳон иқтисодиёт банки, Қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича халқаро агентлик (IRENA) ҳамкорлигида қайта тикланувчи энергия манбалари масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш борасида муайян тажриба тўплангани, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қайта тикланадиган энергия манбаларини янада ривожлантириш борасида қатор истикболли лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидланди. Шунингдек, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий вилоятларида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станцияларини қуриш бўйича ишлар олиб борилаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш биришмаси тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилаётир. Мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланган.

Жаҳон банки гуруҳи Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида амалга оширилаётган сиёсатни ва соҳага жалб этилаётган инвестицияларни қўллаб-қувватламоқда.

– Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбалари салоҳияти юқори, – дейди Жаҳон банкининг энергетика соҳасидаги глобал амалиёти раҳбари Самир Шукла. – Мамлакатда деярли ҳар қуни офтоб нур сочиб туради, текисликларда қучли ҳаво оқимлари вуҳудга келади. Бу қайта тикланувчи энергия манбаларини амалиётга жорий этиш учун қулай имконият. Бу соҳада ҳамкорликни янада кучайтириш ниятидмиз.

Халқаро семинарда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда илгор халқаро тажрибани ўрганиш, уларни муқобил энергия ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш механизмларини ривожлантириш, соҳадаги билимларни ошириш, шунингдек, юқори самарали лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Султонов сўзга чиқди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА муҳбири

Инсон ҳаётда билиб-билмай хатога йўл қўйиши мумкин. Лекин мутафаккирлар айтганидек, “хатолар, агар уларни тан олиб, пушаймон бўлишга бўйин ёр берса, ҳамиша кечиримлидир”.

Шунинг учун ҳам адашиб ҳуқуқбузарлик йўлига кирган ва содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни тўғри йўлга, оиласи қарига қайтариш ўзини инсонпарвар давлат, деб биладиган ҳар қандай мамлакат олдидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, адашганлар ҳам шу мамлакат фўкарolariдир.

Шу маънода 2017 йил 29 сентябрда давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларни афв этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиш қабул қилинганidan жамоатчилигимиз кенг хабардор.

Мазкур фармойишда суд амалиётида жазонинг содир этилган қилмишининг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мутаносиб бўлиши, маҳкумининг шахсини тавсифловчи ва айбини енглиштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш етарлича тўлиқ таъминланмаётгани қайд этилган эди. Амалга оширилган ишлар натижасида 274 жиноят иши бўйича айблов қайта малакаланган, жиноят ишларининг 50 таси қонунчилидаги ўзгариш, 805 таси жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганилиги, 26 таси қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмаслиги муносабати билан тугатилган.

Шулар инобатга олиниб, маҳкумларни афв этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш бўйича махсус комиссия, ишчи гуруҳлар тўзилади.

Ушбу фармойишга мувофиқ ҳуқуқчи муҳофиза қилувчи органлар, судлар, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда жойларга чиқиб, ҳар бир маҳкум билан яқна тартибда суҳбатлар ўтказиш орқали уларнинг шахсини ўрганиб чиқди.

Ўрганиш жараёнида маҳкум томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси, унинг ўз қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлиги, жиноят натижасида etkazилган моддий зарарнинг қолганлиги ва бошқа оқибатларнинг бартараф қилинганлиги, маҳкумининг шахсини тавсифловчи маълумотларга, унинг ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи, жазонинг содир этилган қилмишининг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мутаносиблиги алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, жабрланганлар ва жамоатчиликнинг, жумладан, маҳкум яшаган маҳалла вакилларининг фикрлари ҳам атофлича ўрганилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз тарихида илк маротаба 2 минг 700 нафар маҳкуми, жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан

чин қўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахсларни афв этиш тўғрисида Конституцияимизнинг 25 йиллигини нишонлаш арафасида фармон қабул қилинди.

Мазкур фармоннинг қабул қилиниши Асосий қонунимиз мўқаддимасида қайд этилганидек, Ўзбекистон инсонпарвар давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигининг амалий исботи бўлиб, юртимизда инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида тан олинишининг ёрқин намоёни бўлиб.

Халқимиз кўп йиллар мобайлида амнистия актини кўп эшитиб, афв этиш қўлланганлигининг деярли гувоҳи бўлмаган. Шу маънода маҳкумларни афв этишга қаратилган мазкур фармон Ўзбекистон тарихида биринчи марта қабул қилинди.

Афв этиш институтининг бевосита моҳияти ва амнистиядан фарқи жиҳатлариға тўхталиб

ана шу жиноятлар тоифасига тушадиган шахслар аниқланади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, “амнистия жиноят содир этган одамларни кечириб бўйича муҳим механизмлардан бири. Бирок, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олдиндан чўқур ўрганмасдан туриб жавобгарликдан озод қилишни белгилаш қилмишига пушаймон бўлмаган, etkazилган зарарни тўлиқ қопламаган шахслар ҳам амнистия доирасига кириб қолишига сабаб бўлган. Бу масалада, минг афсуски, коррупция ҳолатлари ҳам бўлган деб айтсак, тўғри бўлади. Прокуратура, ички ишлар ва суд идораларида ҳам бундай номаткул ишларга йўл қўйилган. Бу эса амнистияга тушган қимсаларда жазони ҳис этмаслик, бизга ҳамма нарса мумкин, деган нотўғри кайфиятнинг шаклланишига олиб келган. Энг ёмони,

лар, учинчи марта гуноҳ қилган шахсни гуноҳига яраша жазоланглар”, деган ўғитларини келтириш мумкин.

Афв этишининг моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Яна бир нарсани айтиб ўтиш кераки, баъзи бир одамлар жазо деганда жиноят содир этган шахсни қийноққа солиш, ҳўрлашни тушунадилар. Ваҳоланки, жазодан мақсад қийиндир қийноққа солиш, ҳўрлаш эмас, балки Жиноят кодексининг 42-моддасига асосан жазо маҳкумини ахлоқдан тузатиш, унинг жинойи фаолиятни давом ettiriшига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Оғир жазо, айниқса, фўкарolariни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахсининг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам Президентимиз “келинг, ўзимизга бир савол берайлик: аслида, одамни суд қилишдан мақсад нима? Уни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш эмасми? Жиноятчиликнинг олдини олиш эмасми? Лекин инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Бўни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жинойи ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўйишимиз керак”, деган чўқур маъноли сўзларни айтдилар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, афв этиш давлат раҳбарининг қандайдир мажбурияти, бурчи эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ушбу ҳуқуқидан фойдаланиб, адашган шахсларга яна бир бор тўғри йўлга қайтишга имкон берди.

Яна бир гап. Қабул қилинган фармон асосида жуда кўплаб одамлар озодликка чиқди. Бу эса минглаб оила хурсандчилиги дегани. Ахир оила тўлиқ бўлишдан, озодлик шўқуқидан ортқ бэхт борми, дунёда?!

Албатта, жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг ҳам бўлиши, айниқса, оила боқувчиси, тарбиячиси бўлган ота-онанинг уйга қайтиши жуда чўқур маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, мазкур фармон айни вақтда оиланинг давлат муҳофазасида бўлишига ҳам хизмат қилади.

Президентимизнинг фармони Конституция қуни арафасида қабул қилинганда ҳам ўзига хос маъно мавжуд. Конституция тисмолари, афв этилган шахс ҳаётида ва фаолиятида қонунга нисбатан ҳурмат, эҳтиром, қонунга итоаткорлик руҳини шакллантириш мўжассам. Ишончимиз, кечирилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган ишончини оқлаб, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларга муносиб ҳисса қўшади, жамиятда ўз ўрнини топади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
юридик фанлар доктори, доцент



БАРКАМОЛ АВЛОД – ХАЛҚИМИЗ БАХТ-САОДАТИ

Халқимизда тарбия кўрган, яхши хулқли қиз-йигитларга нисбатан “отасига раҳмат” деган ибора ишлатилади.

Ҳозирги кунда эса ёнидаги дўсти, бир-икки қўйлак ортқ йиртган “акахон”, “опакон”нинг, ўзига тўқ бир таниши ёки “оммавий маданият”, “маънавий хуржлар” таъсирига тушиб, адашиб, алданиб қолаётган ёшларимиз ҳам учраб турибди. Улар осмондан тушган ёки чет элдан келиб қолган эмас. Улар биз ота-оналар, устозлар, маҳалла-қўй, жамоатчиликнинг эътиборсизлиги, бепарволиги ва лоқайдлиги натижасида шу ҳолга келиб қолган. Айримларимиз “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилида иш тутишга ўрганиб қолган, баъзан эса, бу менинг фарзандим, уни мен боқяпман ва тарбияляпман, дея эътироз билдирувчи ота-оналар ҳам бор. Нима бўлганда ҳам, биз Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Мўхаммад Бобур, Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Зебунисо, Нодирабегим каби буюк аждодларнинг авлодларимиз, бизнинг суратимиз ҳам, сийратимиз ҳам уларга мос бўлмоғи лозим.

Ёшларни ана шундай хуржлардан асраш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Юнусобод туманидаги 274-умумтаълим мактабида “Ёшлар тарбияси – порлоқ келажак меваси” мавзусида семинар ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар мустақиллик биз учун берилган буюк неъмат бўлиб, унинг қадрига етиш кераклиги, берилган имкониятлардан унумли фойдаланиш, ислом дини одабийлик, инсонийлик дини бўлиб, у маън этган нарсаларни амалга оширмаслик ҳақида сўз юритдилар. Буюк саркарда Амир Темур, Жалолиддин Манғубердиннинг мардлиги, жасорати ҳақида тўхталдилар, ёшлар орасида юз бераётган ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликлар ҳақида аниқ маълумотлар келтириб ўтилди, видеоролик намойиш этилди.

Маънавият энг таъсирчан кўч эканлиги, кўпроқ китоб мутулаа қилиш, ҳаётда яхши эл қолдириш, хатога йўл қўймасдан туриб, у ҳақда йўлаб кўриш, фикрлаш лозим. Алдов тўрига нодон, жоҳил, гумроҳ инсонлар кўпроқ қилиниши, муваффақият гарови эътиборли бўлиш, интизомли ва доимий ҳаракатда эканлиги ўқтирилди. Ким эдигу, ким бўлдиқ, эртага ким бўла-миш деган фалсафани чўқурроқ ўйлаб кўриш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берилди. Кекса нурунийлар эса, ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда илмий одам ҳеч қачон аросатда қолиб кетмаслиги, илм олиш, меҳнат қилишдан эринмаслиқни гапириб ўтдилар.

Гулхёра КАРИМОВА

Пойтахтимизда “Мамлакатимизда қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритишга оид долзарб вазифалар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, марказий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати “Конституция – ҳуқуқ ва эркинлигимиз қафолати” мавзусидаги маънавият дарси билан бошланди. Конституция мамлакатимизда суверен демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётимиз ривожини ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг асосий ҳуқуқий қафолати эканлиги таъкидланди. Бош қомусимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшларимиз қалбиди қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат тўғрисида кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, соҳада истиқболда белгиланган вазифаларга оид ишларни муҳокама қилиш, мазкур йўналишда босма ва электрон ОАВ вакилларининг касбий билим ва қўникмаларини ошириш тадбирининг асосий мақсади бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори вазифасини бажарувчи Л.Сувонов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ўристалар малакасини ошириш маркази кафедраси мудири, юридик фанлар доктори Б.Исмомов ва бошқалар Конституцияимиз қонун устуворлиги ҳамда ҳуқуқий демократик давлат ва фўқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам таянчи эканлиги, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш барча жабҳалардаги ислохотлар жараёнида яққол намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олмазор туманидаги 52-сонли МТМга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Гўшт 1500 кг – 33 000 сўмдан – 49 500 000 сўмни ташкил қилади

Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: 248-65-49.

Олмазор тумани, 182-сонли МТМга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Гўшт 2000 кг – 33 000 сўмдан – 66 000 000 сўмни ташкил қилади

Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: 229-61-73.

Олмазор туманидаги 68-сонли МТМга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Гўшт 2000 кг – 33000 сўмдан – 66 000 000 сўмни ташкил қилади.

Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: 214-38-40

Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик-тижорат банки Тошкент филиалига тегишли бўлган “Кечки касса”сининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сайлов – 2017

БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 24 декабрь кўни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлариға бўлиб ўтадиган сайловға тайёргарлик қизгин паллага кирмоқда.

Айни пайтда пойтахтимизда ушбу сиёсий жараёнга қонунчиликда белгилаб қўйилган талаблар асосида пухта ҳозирлик кўриломоқда.

И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида сайловчиларнинг ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлариға сайлов ўтказувчи округ, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, мутахассислар, округ, сайлов участкалари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очиб, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловға тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати И.Зокировнинг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлариға сайлов тўғрисида”ги ва “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлариға сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти, Мирзо Улуғбек туман сайлов комиссияси раиси А.Мағруповнинг “Халқ депутатлари туман Кенгашлариға сайлов ўтказувчи барча турдаги сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази 1-тоифали мутахассиси А.Фуломовнинг “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлариға сайловлар давомида тажриба тартибида ҳуқуқий эксперимент сифатида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш тўғрисида”ги ва бошқа мавзулардаги маърузалари тингланди.

— Пойтахтимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён – сайловға очик, шаффофлик ва демократик тамойиллар асосида тайёргарлик кўрилаётгани, бунда албатта, миллий қонунчилигимиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида эътироф этиш жоиз, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 6-Олмачи сайлов округига қарашли 130-сайлов участкаси комиссияси раиси Робия Мамбетова. — Сайлов участкаси замонавий техник воситалар, сайловға оид қонун ҳужжатлари, тегишли қўлланмалар билан таъминланиб, сайловчилар учун барча шароит яратилган. Ташкил этилган мазкур тадбир Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловида ўз конституциявий ҳуқуқларини намоён этадиган сайловчиларнинг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашлариға сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ва сайлов қонунчилиги, сайлов тизими, фўқаролар ҳуқуқи ва қафолатлари ҳақидаги билимларини ошириш ҳамда ишони ташкил этишда асқатади.

Очик мулоқот тарзида ўтказилган семинар-тренинг иштирокчиларини қизиктирган саволларга эксперт ва мутахассислар томонидан жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

“САБОТ” БАДИИЙ ФИЛЬМИ ПРЕМЬЕРАСИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 августда миллий маданиятимизнинг кўзга кўринган намояндалари, атоқли шоир ва адибларимиз, театр, кино, музика санъати соҳасининг таниқли ҳамда ёш вакиллари, санъатшунос олимлар, журналистлар билан бўлган учрашувида халқимизнинг маънавий камол топнишида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, ўтмишимизни, улуг аждодларимиз ҳаёти ва ижодини акс ettiradigan, ўқувчига эстетик завқ бағишлайдиган, бадий савияси юксак асарлар ва замонамиз қаҳрамонларини яратиш вазифаси топирилган эди.

Ушбу вазифалар ижроси юзасидан “Ўзбекино” миллий агентлиги бюртимасига биноан “Сабот” бадий фильми суратга олинди.

Кинематографияни ривожлантириш марказида мазкур фильмининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун намойиши ҳамда фильмға бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2007 йил 7 августдаги “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол гоёларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини синдиришда катта таъсир қилгига эга бўлган кини санъатининг ролини оширишга хизмат қилаётди.

Рашид Маликов режиссерлигида суратга олинган “Сабот” бадий фильмида мамлакатимиз мустақиллигини кўлга киритиш арафасидаги давр – 1980-йиллар воқеалари тасвирланган. Унда қорақалпоғистонлик соёқ байналималган жангчининг хотиралари, ўй-хаёллари, кечинмалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Матбуот анжуманида мутахассис ва киноижодкорларнинг фильм ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тингланди, журналистлар ўзларини қизиктирган саволларга жавоб олди.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

Футбол

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНИ:
НАТИЖАЛАР ВА ТАҲЛИЛ

Ниҳоят футбол мухлисларини йил давомида гоҳида қувонтирган, гоҳида хафа қилган, ҳаяжонга солган мамлакат XXVI миллий чемпионати ҳам якунига етди.

Жорий йилги биринчилиқнинг олий лигасида 16 та жамоа қатнашган бўлса, чемпионатда пойтахтимиз шарафини 4 та жамоа — "Локомотив", "Пахтакор", "Бунёдкор", "Обод" ҳимоя қилди.

Айтиш жоизки, жорий йилги мавсумнинг биринчи ва иккинчи давраси икки хил кўриниш олди. Биринчи даврада пойтахт жамоаларидан фақатгина "Локомотив" пешқадамлар сафида борган бўлса, "Пахтакор", "Бунёдкор" каби етакчилар турнир жадвалининг куйи поғоналарига тушиб кетишди, "Обод" эса ўтган йилгидек, муваффақиятсиз иштирок этди. Биринчи давранинг диққатга сазовор жойи шундаки, кутилмаганда "Динамо", "Кўкон-1912", "Бухоро", "Олмалик" клублари ажойиб галабалари билан мухлислари кўнглини хушнуд этиб, юқори ўринларни эгаллаб туришди ва совринли ўринлар учун рақобат юзага келишига сабабчи бўлишди.

Мусобақаларда кутилмаган натижаларнинг содир этилганлиги, етакчи ҳисобланган клубларнинг ўртамайна жамоаларга ютқазиб қўйиши учрашувларнинг шиддатлиги, кизикарли ўтишини таъминлагани айни ҳақиқат.

Аммо, иккинчи давра бошланишидан аввал, "Пахтакор" клубида жиддий ислохотлар ўтказилганлиги, жамоани грузиялик мутахассиси Шота Арвеладзе бош мураббий сифатида бошқариб, хориждан легионер футболчиларни таклиф этганлиги, шунингдек, "Бунёдкор" бошқарувида ўзбек футбол афсонаси Миржалол Қосимов бош мураббий бўлиб келганлиги самара берди. Натижада "Пахтакор" ва "Бунёдкор" иккинчи даврада анча сермазмун ўйин намойиш этиб, ажойиб галабаларга эришилди. Якунда мавсумни "Пахтакор" ўчинчи ўринда, "Бунёдкор" тўртинчи ўринда якунлади. Пойтахтимизнинг бошқа бир жамоаси "Обод" эса иккинчи даврада мусобақалардан четлатилди.

Дарвоқе, мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири бўлган "Нефчи" жамоасининг аввалги мавқеини тиклаш мақсадида "Нефчи"га Вадим Абрамов бош мураббийлик қила бошлади. Аммо, "Нефчи"нинг ишлари иккинчи даврада унчалик ҳам юримида ва якунда куйи поғоналардан бирини эгаллади. Биринчи даврада кутилмаган галабалари билан мухлисларни ҳайратга солган

"Динамо", "Кўкон-1912", "Бухоро", "Олмалик" жамоалари ўйинида пасайиш кузатилади ва бу клублар барибир, совриндорлар сафидан ўрин эгаллаб олишмади.

Чемпионат якунида мутахассислару мухлислар кутганидек совринли ўринлар етакчиларга насиб этди. Мавсум давомида барқарор ўйин намойиш этган "Локомотив" кетма-кет иккинчи марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Кўп йиллардан бери сермазмун ўйин кўрсатиб келаётган, "Насаф"га иккинчи ўрин, "Пахтакор"га ўчинчи ўрин, "Бунёдкор"га эса тўртинчи ўрин насиб этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ўзбек футбол раҳбарияти таркибидида жорий йилда ўзгаришлар рўй берди. Ёш, ғайратли Умид Ахмаджонов Ўзбекистон футбол федерациясига президент этиб сайланди ва янги раҳбарият ислохотларни амалга ошириш учун ишга киришиб кетди. Яъни, янги раҳбарият қарорига кўра, келгуси йилдан олий лига Суперлига, биринчи лига Про-лига деб номланганидан, Суперлигада 12 та, Про-лигада 16 та жамоа қатнашадиган бўлди. Чемпионат якунланмай туриб, футбол мутасаддилари қабул қилган бу қарор туфайли "Динамо", "Сўғдиёна", "Шўртан", "Нефчи" клублари келгуси йилдан Про-лигада иштирок этиши керак. Жорий йилда биринчи лигада қолиб бўлган "Цементчи" Суперлигада ўйнаши лозим. Аммо, футбол мутасаддилари футбол клублари олдига чемпионатда қатнашишлари учун жиддий талабларни қўйишмоқда. Яъни, Суперлига жамоалари ўз базасига, футбол академиясига, футбол мактабига, замонавий стадионига эга бўлиши, бадал пулларини келгуси йил февралига қадар тўлаб қўйишлари талаб этилади. Ўзбекистон футбол федерацияси талабларини вақтида бажармаган клуб, мавсум якунида турнир жадвалида эгалланган ўриндан қатъий назар Суперлига бахсларига қўйилмайди. Про-лигада эса 16 та жамоа жой олади. Кизиги, Про-лига жамоаларида 24 ёшгача бўлган футболчилар тўп суришади. Назаримизда шошилинч чиқарилган бу қарорлар ҳақида обдон ўйлаб кўриш зарур. Келгуси йилги биринчилик мусобақалари қандай ташкил этилади? Бунга вақт кўрсатади.

Жорий йилги мавсумда чемпионат тўпурарлиги "Локомотив" ҳужумчиси,



миллий терма жамоамиз етакчиларидан бири Марат Бикмаевга насиб этди. Чунки у йил давомида рақиблари дарвозасига 27 марта гол киритди. Футболдаги иккинчи ёшлигини бошдан ўтказётган Марат Бикмаев жорий йилда ажойиб спорт формасида ўйнадики, тўпурарлик борасида у энг яқин таъкибчиси "Насаф" ҳужумчиси Драган Черандан 8 та голга ўзиб кетди.

Миллий терма жамоамиз жорий йилда жаҳон чемпионати саралаш турнирининг учинчи босқичида ҳар доимигидан ҳам бир натижасиз ўйин кўрсатгани мухлисларни ранжитди албатта. Футболимиз мутасаддилари қарорига кўра, энди миллий терма жамоамизни хорижлик тажрибали мутахассис бошқаради. Хорижлик мутахассис келгуси қадар миллий терма жамоамизга вақтинчалик "Насаф" устози Рўзқул Бердиев бош мураббийлик қилади.

Жорий йилги Ўзбекистон Кубоги финалида мамлакатимизнинг икки етакчи жамоаси "Бунёдкор" ва "Локомотив" ўзаро куч синашди. Мурасасиз ва кескин ўйин 1:0 ҳисобида "Локомотив" галабаси билан якунланди.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон кубоги финалидан сўнг жорий йилги мавсумга якун асалди. Энди келгуси йили Осиё чемпионлар лигаси турнирида юртимиз шарафини "Локомотив", "Насаф", "Пахтакор" ҳимоя қилади.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан жорий йилги мавсумни ҳам чемпион, ҳам Биллур соврин соҳиби сифатида якунлаган "Локомотив" жамоасини, қумуш медал соҳиби "Насаф"ни, бронза медалларига эгалик қилган "Пахтакор"ни кутлаймиз. Ўйлаймизки, келгуси йилги чемпионат янада кизикарли ўтади.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1	"Локомотив"	30	22	4	4	67-20	70
2	"Насаф"	30	20	2	8	58-18	62
3	"Пахтакор"	30	18	5	7	44-28	59
4	"Бунёдкор"	30	14	10	6	47-29	52
5	"Навбахор"	30	12	10	8	40-37	46
6	"Бухоро"	30	13	7	10	42-40	46
7	"Олмалик"	30	12	8	10	31-32	44
8	"Машъал"	30	12	8	10	37-31	44
9	"Кўкон-1912"	30	11	8	11	42-47	41
10	"Металлург"	30	12	4	14	40-39	40
11	"Қизилқум"	30	9	10	11	31-40	37
12	"Динамо"	30	8	8	14	21-35	32
13	"Сўғдиёна"	30	8	7	15	23-51	31
14	"Шўртан"	30	8	3	19	28-52	27
15	"Нефчи"	30	6	9	15	23-48	27
16	"Обод"	30	2	3	25	15-52	9

Соғлигингиз ўз қўлингизда

Кейинги пайтларда аҳоли орасида табиий газ ва газ ускуналаридадан нотўғри фойдаланиш натижасида кўплаб бахтсиз ҳодисалар юз бериб, нохуш оқибатларга олиб келмоқда.

БАРЧА БИЛИШИ ЗАРУР

Соҳа мутахассислари томонидан ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинганди, аҳоли томонидан газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этмасликлари, бу борада малакага эга эмасликлари натижасида, айниқса ёш болаларнинг табиий ва ис газидан заҳарланиши ҳодисалари рўй бераётганлигига сабаб бўлмоқда.

Ўқилги махсулотлари ичида бошқаларига нисбатан хавфлироқи табиий газ ҳисобланади. Табиий газдан фойдаланганимизда гўёки у тўлиқ ёнаётгандек тасаввур уйғотади. Аслида у тўлиқ ёнамаслиги натижасида хона ичида газ тўпланиб, газ оқими беҳосдан узилиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Айримлар газ плитасини ёқиб, каровсиз қолдиради, иситиш тизимларига газни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида қақнашлар, ёнғинлар содир бўлиши ҳамда табиий ва ис газларидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин. Натижада кишилар турли хил тан жароҳатлари олади ёки ҳаётдан бевақт кўз юмиши ҳолати кузатилади.

Ис газ — истеъмолчилар фойдаланаётган табиий газнинг тўлиқ ёнамаслиги, кўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган бирикмадир. У юқори нафас йўллари ва аъзоларига қучли таъсир қилиб, нафас йўллари орқали бутун организмни, хусусан, марказий асаб тизимини зарарлайди. Заҳарланиш ис газининг ҳаводаги концентрацияси ва таъсир муддатига боғлиқ бўлиб, енгил, ўрта ҳамда оғир даражада кечади. Қайси даражада бўлишидан қатъи назар, заҳарланган одамнинг боши қаттиқ оғрийди, айланади, кўнгли айнаб, қайта қайтади, басман ҳўшдан кетиб, нафас олиши секинлашади. Қасвланд кишилар, қариярлар ва болаларга ис газ таъсир билан таъсир қилиб, кўнглисиз ҳолатларга олиб келади.

Табиий ва ис газидан заҳарланишга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- ностандарт ва сертификатсиз газ иситиш асбобларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш;
- газ асбобларига резина шланг ва шунга ўхшаш қўлбола воситаларни улаш ва очик оловли газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланиш;
- хонадонлар иситиш тизимига табиий газ билан уланганида меъёрий талабларга риоя этилмаслиги;
- табиий газдан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги;
- иситиш учун мўлжалланган печка ҳамда мўриларнинг соз ҳолатда эмаслиги, яъни тозалангани ва бошқалар.

Хонада табиий газ йиғилиб қолса, зудлик билан қуйидаги амалларни бажариш лозим:

- хона деразаларини очиб, шамоллатиш;
- хонадаги электр жиҳозларини зинҳор ёқмаслик, ёниқ бўлса ўчирмаслик;
- газ жўмрақларини беркитиш;
- газни беркитишнинг илоҳи бўлмаса, ёрилган, синган ва тешилган жойлар аниқланса, газ таъминоти авария хизматига хабар бериш.

Табиий ва ис газлари билан боғлиқ кўнглисиз ҳодисалар ҳамда нохуш вазиятлар ўзи берса: "104" телефон рақами орқали ҳудудий газ таъминоти идорасига ёки "1050" Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг авария-қутқарув хизматига қўнғироқ қилинг;

- заҳарланган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатинг;
- "103" телефон рақами орқали "Тез тиббий ёрдам"га хабар беринг ва мурожаат қилинг.

Заҳарланиш жараёни содир бўлса, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишда нималарга эътибор қаратиш керак?

Мутахассислар маълумотига кўра, ҳаво таркибидида 0,08 фоиз микдорда ис газни мавжуд бўлганда, инсонда бош оғриши каби клиник белгилар кузатила бошлайди. Агар ис газининг ҳаводаги концентрацияси 0,32 фоизгача кўтарилган бўлса, инсонда эс ҳўши йўқолиши ва фалаж ҳолатлари кузатилади. Ис газининг ҳаводаги микдори 1,2 фоизга етган бўлса, узоғи билан 3-5 дақиқа ичида ўлим ҳолати кузатилиши мумкин. Ис газ билан заҳарланганларни зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш, нафас тўхтаган ҳолатида сунъий нафас бериш талаб этилади. Бунинг учун дастлаб нашатир спиртни ҳидлатилади. Нафас йўллари тозаланади. Заҳарланишнинг оқибатларини қаматириш мақсадида бемор оғири иситилади.

Ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш учун иситиш воситалари созлигини назорат қилиш ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш зарур. Саноат қороналарида вентиляция жиҳозлари созлигига эътибор бериш, хоналар ва автомобиль туралардан ёниқ буюмлар ўз вақтида шамоллатилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ис газидан заҳарланиш инсон саломатлигига жиддий зарар етказувчи ҳолат бўлиб, арзимаган эътиборсизлик натижасида келиб чиқиши мумкин. Айниқса қиш мавсумида бундай кўнглисиз ҳодисаларнинг кузатилиш эҳтимоли ортади.

2017-2018 йиллар куз-қиш мавсумини оғоҳ ва ҳўшёр бўлган ҳолда ўтказайлик.

Азамат РУСТАМОВ,

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОРЛАР!

"Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси"
давлат унитар корхонаси
Сизларни корхона ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларни узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли ва 2017 йил 24 октябрдаги 872-сонли қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли ва 2017 йилнинг 28 октябрдаги 1452-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашининг 2017 йил 11 декабрдаги 3-сонли баёни.

"Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК

- **Манзил:** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 29-уй
- **Умумий ер майдони:** 3,6 га.
- **Ижарага берилаётган бинолар ва иншоотлар сони:** 23 та лот.

● **Жами ижарага берилаётган майдон:** 19 764 кв.м.

● **Коммуникация тармоғи:** Электр энергияси ва совуқ сув билан таъминланган.

● **Саноат зонасининг йўналиши:** саноат ва халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

● **Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили:** "Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй.

Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш тартиби ва муддати: Танловда иштирок этишни истаган тадбиркорлик субъектлари бир ёки бир нечта лотларга таклифлар топширишлари мумкин. Таклифлар 2018 йил 10 январь, соат 18:00га қадар қабул қилинади.

Танлов ўтказиш санаси: 2018 йил 11 январь, соат 15:00.

Танлов ўтказиш манзили: "Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй.

Маълумот учун телефон: 271-10-63.

Электрон почта манзили:

diilshodnigmanov@mail.uz

102-интернат қуйидаги озик-овқат махсулотларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Картошка 4 000 кг — 3 000 сўм — 12 000 000 сўм
Пилёз 1 200 кг — 2 000 сўм — 2 400 000 сўм
Сабзи 800 кг — 2 000 сўм — 1 600 000 сўм
Жами: 16 000 000 сўм
Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Тел: 229-74-11.

102-интернат қуйидаги озик-овқат махсулотларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сариёғ 300 кг — 35 000 сўм — 10 500 000 сўм
Тухум 5000 дона — 800 сўм — 4 000 000 сўм
Шакар 500 кг — 6 500 сўм — 3 250 000 сўм
Пиллоқ 100 кг — 24 000 сўм — 2 400 000 сўм
Гуруч 500 кг — 8 000 сўм — 4 000 000 сўм
Нохат 100 кг — 20 000 сўм — 2 000 000 сўм
Гречка 100 кг — 12 000 сўм — 1 200 000 сўм
Горох 100 кг — 10 000 сўм — 1 000 000 сўм
Жами: 28 350 000 сўм
Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Тел: 229-74-11.

- "Юнусобод тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Арипджанова Мукаддас Тураповна номига турар жой учун берилган Юнусобод тумани, Зарбулоқ кўчаси, 33-уй, 14-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



кундузи — 2-4 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 13 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, шифосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкентда 13 декабрь

куни ҳаво ўзгариб туради, ёнғинларчилик бўлмайди. Туман тушуши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража совуқ,



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1235

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқиди

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.

4003 нусхада босилди.

Қўроғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишда топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош мухаррир
Акмал АҚРОМОВ